

Янги ўқув йилингиз муборак бўлсин!

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институтини ташкил этилганига 40 йил тўлди

ILM OLMOQQA INTILISH – HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

Ziyo chashmasi

ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 7-8 (228-229)

2014 YIL, Sentabr-oktabr

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN



ЯГОНАСАҢ, МУҚАДДАС ВАТАНИМ,

СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ТУЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Замон талабларига мос мутахассис тайёрламоқчи эканмиз, биринчи навбатда ўқув юртимизнинг шахси, қиёфаси ва таркиби, моддий техник базаси ҳам замонавий бўлиши керак.

Ислом Каримов.

40

Институт кеча ва бугун

Факт ва рақамларда


1974 йил:

- 2 та факультет (Ўзбек тили ва адабиёти ва Математика факультетлари);
- 29 нафар профессор-ўқитувчи;
- 425 нафар талаба.

2014 йил:


- 10 та факультет;
- 30 дан ортиқ миллионга мансуб 6738 нафар талаба;
- 20 та таълим йўналиши;
- 30 та кафедра;
- 8 та ўқув лабораторияси;
- 20 та ихтисослаштирилган кабинет;
- 25 та ҳозирги замон

- компьютерлари билан жиҳозланган аудиториялар;
- 4 та лингафон кабинети;
- 4 та ўқув корпуси;
- 1 та 400 ўринли ётоқхона;
- Маънавият-тарғибот маркази;
- 700 ўринли маданият саройи;
- 4 та мажлислар заллари;
- 30 та фан тўғарақлари;
- 2 та ёпиқ спорт зали;
- Ахборот-ресурс маркази;
- 14 та ўқув заллари;
- Бобур номи спорт-соғломлаштириш оромгоҳи;
- 5 та овқатланиш шохобчалари.



ТАБРИКЛАЙМИЗ!!!

Танишинг: 2014 йилда номдор стипендия соҳибига айланган иқтидорли талабалар!



МИРЗАЕВ
БЕКЗОД
МИРЗАЕВИЧ

Улуғбек номидаги давлат стипендияси соҳиб

Табиатшунослик факультети талабаси



НОРМУРОДОВА
МАХЛИЁ
ЮСУФ ҚИЗИ

Навой номидаги давлат стипендияси соҳибаси

Педагогика-психология факультети талабаси



МУҲИДДИНОВА
КАМОЛАХОН
АБРОРХОН ҚИЗИ

Навой номидаги давлат стипендияси соҳибаси

Бошланғич таълим педагогикаси факультети талабаси

Ziyo chashmasi

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институтининг 1974 йилда ўз фаолиятини бошлаган эди. Ушбу таълим даргоҳида ўтган давр мобайнида вилоятимиз ва юртимиз учун 35000 дан зиёд педагог кадрлар тайёрланди. Улар айни кунда турли таълим масканларида ёшларимизни замон руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Президентимиз ташаббуси билан «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ҳаёта илчил тадқиқ этилиши тўғрисидаги умуштаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, шунингдек, олий ўқув юртимизнинг нафақат қиёфаси кўркамлашди, балки улардаги шарт-шароит, моддий-техник база мустақамланиб, таълим сифати жаҳон андозалари даражасига кўтарилди. Олий таълим тизимида ҳам кенг миқёсда ўзгаришлар амалга оширилди.

Юртбошимиз раҳбарлигида ёш авлоднинг юксак маънавиятли ва чуқур билимли, замонавий технологияларни пухта ўзлаштирган ҳамда фаол фуқаролик позициясига эга шахслар қилиб тарбиялаш борасида амалга ошириладиган улкан ислохотлар натижаларини бугун ҳар биримиз ўз ҳаётимизда кўриб, ҳис қилиб турибмиз.

Институтимиз ташкил топган йили бор-йўғи иккита факультет - «Ўзбек тили ва адабиёти» ҳамда «Математика» факультетлари мавжуд бўлиб, 29 профессор-ўқитувчи ва 425 та талаба билан иш бошлаган бўлса, ҳозирги пайтда институтда 10 та факультет бўлиб, 30 дан ортиқ миллат вакилларининг 6700 нафардан ортиқ ўғил-қизлари 20 та таълим йўналиши бўйича таълим-тарбия олмақдалар.

Институтда ҳозир 30 та кафедра, 8 та ўқув лабораторияси, 20 та ихтисослаштирилган кабинет, 25 та ҳозирги замон компьютерлари билан жиҳозланган аудиториялар, 4 та лингафон кабинети, 4 та ўқув корпуси, 1 та 400 ўринли ётоқхона, Маънавият-тарғибот маркази, 710 ўринли маданият саройи, 4 та мажлислар зали, 50 дан зиёд фан тўғрақлари, Ахборот-ресурс маркази, Бобур номи спорт-соғломлаштириш оромгоҳи, 5 та овқатланиш шаҳобчаси фаолият кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда институтда илмий-тадқиқот ишлари самардорлигини ошириш, таълим сифатини яхшилаш, бугунги ҳаёт талабларига тўла жавоб берадиган педагог кадрларни етиштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Илмий-тадқиқот ишлари мавзулари хилма-хиллигига қарамадан бош мақсад-малакали педагог кадрлар тайёрлашга қаратилган. Ҳозирги кунда институтда 30 та кафедаларда 15 нафар фан докторлари, 112 нафар фан номзодлари бўлиб, улар томонидан олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишлари республикамизнинг энг актуал илмий-техникавий программаси билан узвий боғлиқдир.

Илмий кадрлар тайёрлашда хориждаги олий ўқув муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиб халқаро фондларнинг имкониятларидан фойдаланмоқдамиз. Жумладан, Россиянинг Дубна шаҳридаги олий ўқув юрти билан шартнома

тузилган. Стажер-тадқиқотчиларимиз малака ошириб келмоқдалар, илмий ишларини чоп эттирмоқдалар. Икки нафар ўқитувчимиз Хитой Халқ Республикасининг Шанхай университетида малака ошириб қайтган бўлса, бир нафар ўқитувчи Хиндистон элчионаси конкурси голиби бўлди, бир нафари Индонезиядаги «Пин-

ишлар амалга оширилмоқда.

Иқтидорли талабалар - бизнинг келажакдаги маънавий қудратимиздир. Шунинг учун ҳам улар билан қатъий режа асосида иш олиб борамиз. Талабалар турли ютуқли конкурсларда ўзларининг иқтидорларини намойиш этиб келмоқдалар. Кейинги 4 йил ичида бир нафар талабамиз Президент стипендиясига, 4 нафари Улуғбек номидаги, 7 нафари Навоий номидаги Давлат стипендиясига сазовор бўлдилар, 9 нафар «Таълим грантлари дастури» голиби,

устаси, Осиё ўйинлари совриндори, Сўпихонова Шаҳодат спортнинг дзю-до тури бўйича 5 карра Ўзбекистон чемпиони, спорт устаси, Осиё ўйинлари иштирокчиси, Матмуродова Ирода спортнинг дзю-до тури бўйича 9 карра Ўзбекистон чемпиони, 2013 йил Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, Халқаро спорт устаси, Осиё ўйинлари голиби, Шукан Роман спортнинг енгил атлетика тури бўйича Ўзбекистон чемпио-

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институтининг ўтган 40 йиллик фаолияти давомида 35000дан зиёд педагог кадрлар тайёрлади.

ресурслардан самарали фойдаланишда қўл келмоқда. Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг компьютер саводхонлиги бўйича малака ва кўникмалари ҳолати аниқланиб, уларни режали, жадвал асосида ўқитишни ташкил қилдик. Факультетларда ўқув жараёни учун компьютер сифлари ташкил этилган. Ўқув аудиторияларини масофадан кузатиш ва баҳолаш тизимига ўхшаган ўнлаб тизимлар яратилганки, бу тизимлар институтнинг бошқарув, илмий-ўқув жара-

ҳамкорлик муҳимдир. Шу мақсадда касб-хунар коллежлари институтимиздаги кафедраларга бириктирилди ва ушбу тақсимот асосида академик лицей ва касб-хунар коллежларида 32 та кафедра филиаллари ташкил этилди, малакали профессор-ўқитувчилардан мудирлар тайинланди.

2013-2014 ўқув йилида институтнинг бакалаврият босқичини 1513 нафар талаба, шу жумладан 498 нафар талаба давлат грантлари асосида, 1014 нафари тўлов-контракт асосида битирди. Институт тайёрлаётган кадрларнинг асосий истеъмолчилари-Жиззах вилояти мактабгача, умумий ўрта таълим ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларидир. Шуни эътиборга олиб Жиззах вилоятида педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни ўрганиб, вилоят халқ таълими ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари билан кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорлик шартномалари тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» қарори ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Қарор институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари томонидан ўрганилди ва хорижий тиллар факультетида мутахассислар тайёрлаш ҳолати танқидий таҳлил қилинди. Жумладан, инглиз тили ва адабиёти таълим йўналиши битирувчилари вилоятдаги инглиз тили ўқитилмайдиган мактабларга педагогика амалиёт даврида ўриндошлик асосида ишга жойлаштирилди, инглиз тили ва адабиёти таълим йўналиши билан турдош бўлган (Ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти) таълим йўналишларидан шу йўналишга ўқишини кўчиринишга хоҳиши бўлган талабалар аниқланиб, улар учун қўшимча машғулотлар ташкил этилди, вилоятдаги чет тиллари ўқитилмаётган мактабларга битирувчиларнинг ишга жойлаштирилиши таъминланди.

Ушбу тадбирлар институтимизда малакали педагог кадрлар тайёрлаш сифатини янада оширишга хизмат қилди.

А. ТАНГИРОВ,
Институт маънавий-маърифий ишлар проректори.

Педагог кадрлар ўчоғи

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИГА 40 ЙИЛ ТЎЛДИ!

чак-Силат» халқаро федерацияси уюштирган семинарда иштирок этди, бир нафар фан номзоди «Маҳаллани обод қиламиз!» конкурсига «Энг яхши инновацион го» лойиҳаси бўйича биринчилигини эгаллади. Ҳозирги кунда Германиянинг Фрайбург институтини, Москва, Уммон, Киев, Украина, Чернигов, Бошқирдистон, Могилев Давлат университетлари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Сўнгги тўрт йил давомида институтда амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар давлат илмий техника дастурлари доирасида ўқув жараёни билан боғлиқ 4 та лойиҳа бажарилди. Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси томонидан 2012-2014 йилларга мўлжалланган 4 та мавзу бўйича амалий тадқиқотлар лойиҳалари танловда тасдиқдан ўтган.

2012 йилда институт профессор-ўқитувчиларидан проф. Х. Тўрақуллов, проф. М. Холбеков, доц. Н. Усмоновларнинг яратган дарслик ва ўқув қўлланмалари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаларининг 2012 йил 17 сентябрдаги «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи-2012» Республика танлови голиби бўлди.

2013 йилдан «Жиззах Давлат Педагогика институтининг ахборотномаси» илмий журнали нашрдан чиқа бошлади. Журналда институт профессор-ўқитувчилари илмий мақолалари билан бирга ёш тадқиқотчиларнинг ва бошқа олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот институтлари етакчи олимларининг илмий мақолалари чоп этилмоқда.


Институт профессор-ўқитувчиларининг илмий тадқиқот ишларини жадаллаштириш, институт илмий салоҳиятини ошириш вазифаси доирасида қатор ижобий

18 нафар талаба Республика фан олимпиадасида муносиб ўринларни эгалладилар. Зулхумор Мамарасулзода Республика «Нихол» Давлат мукофотида сазовор бўлган бўлса, Моҳинур Исмоилова, Азиза Аҳмадова «Юрт келажиги» танлови Республика босқичи голиби бўлдилар.

Институтимизда 27 та фан тўғрақлари, «Менда го бор» клуби, ижтимоий фанлар кафедрасида илмий-ижодий марказ, рус ва хорижий тиллар кафедраси қошида «Пегас» клуби, умумий физика ва химия кафедраларида илмий лабораториялар фаолият кўрсатмоқда.

Институтимизда ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялашнинг муҳим гарови бўлган спорт соғломлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Ҳозирда 1 та очик футбол майдони, 2 та спорт зали, 1 та қўл тўпи майдони, 3 та волейбол майдони, 2 та баскетбол майдони, 3 та гимнастика майдончаси ва очик бассейн талабалар ихтиёрида. «Талаба» спорт клуби мавжуд бўлиб, унда ёшлар спортнинг 13 тури бўйича турли секцияларда мунтазам машғул олиб бормоқдалар. Бундай шароит ва имконият талабаларимизнинг кўплаб нуфузли мусобақаларда иштирок этишини таъминлайди. 50 нафардан зиёд талабалар спортнинг кўпгина турлари бўйича Ўзбекистон ва Осиё чемпионлари унвонига сазовор бўлишган. Жами 19 та спорт секцияларига 826 нафар талабалар жалб қилинган.

Спорт тўғрақлари фаолиятининг яхши йўлга қўйилганлиги сабабли институт ёшлари катта зафарларни қўлга киритмоқдалар. Жумладан, Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети талабаси Абдурахмонова Ирода спортнинг дзю-до тури бўйича 10 карра Ўзбекистон чемпиони, 2010 йил Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, Халқаро миқёсдаги спорт



ни, Халқаро миқёсдаги спорт устаси, Осиё ўйинлари совриндори, Пардаев Баҳодир спортнинг футбол тури бўйича 2 карра Ўзбекистон чемпиони, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, спорт устаси, Қодиров Зуфар енгил атлетика бўйича Ўзбекистон чемпиони, Осиё кубоги соҳиби бўлдилар.

Бугунги кунда замонавий ўқув қуроллари, янги педагогика технологиялар мақсадга эришиб бўлмайди. Ана шундан келиб чиқиб, аввало, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-коммуникацияларини жорий этиш ва ривожлантириш борасидаги барча фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш бўйича режали иш олиб бормоқдамиз. Жумладан, қўшимча равишда компьютерлар, проекторлар, намоиш ва кўпайтириш техникалари, сканер қурилмалари олинди. Интернет тизимининг мунтазам равишда ишлаши таъминланди. Вазирликнинг таълим муассасалари томонидан ZiyoNet ахборот таълим тармоғига ресурслар жойлаштириб борилмоқда. Ички локал тармоқ имкониятлари профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар учун

ёнларини ташкил этишда асқотади. 50 та маърузалар хонасига компьютер ва видеопроекторлар ўрнатилиб, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб борилади. Институт WEB сайтида бугунги талаб ва эҳтиёжларга жавоб берадиган бўлим ва ахборотлар мавжуд ва уларнинг мазмунини бойитиб борилмоқда. Ахборот технологиялари маркази қошида электрон таълим ресурсларини яратиш лабораторияси ташкил этилди. Ҳозирги кунга қадар умумтаълим мактаблари, ўрта махсус касб-хунар коллежлари учун ҳам мультимедияли электрон мажмуалар яратилган.

Маълумки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майда «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида биз аввалдан режалаштирилган тадбирларимизни янада бойитдик.

Касб-хунар коллежларида таълим самардорлигини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилашда олий таълим муассасалари билан

Кўхна дунё яралганидан буён инсон ранг-тасвир оламининг шайдоси. Зеро, бу гўзалликка бой мўжизакор чизгиларда ҳаммиса эзгулик улугланади.


Ортиқали Қозоқов.

Нафис санъат, ранг-тасвир тасвирий санъат тури бўлиб, ранглар ёрдамида яратилади. У бадний асар сифатида инсоният учун таълим-тарбия ва эстетик завқ бериш вазифасини ўтайди, айрим намуналари эса тарихий маълумот қийматиغا

эришган. Тасвирий санъат ривожланишида катта ҳисса қўшилди. Бу даврнинг инсонпарварлик ҳолатлари таъсирида реалистик тасвир авж олади. Велашес, Мурилло, Перо делла Франческо,

ДУНЁНИ ГЎЗАЛЛИК ҚУТҚАРАДИ!

ҳам эгадир. Ижоднинг бу тури билан шуғулланувчи санъаткор-рассом ранглар воситасида табиатни, муҳитни (унинг маълум бир қисмини, маълум бир дақиқадаги ҳолатини) гавдалантириш билан




бирга, рўй бераётган воқеа, ҳодиса моҳияти, кишиларнинг ички дунёсини ва маълум бир гоёни акс эттиради.

Вазифаси ва образлари характерига кўра рассомлик санъатининг меъморий иншоотларда безак бўлиб ҳам хизмат қиладиган монументал декоратив, деворий расмлар, театр ва кинофилмлар учун тайёрланган декорация, панорама, кичик ҳажмли миниатюра хиллари бор.

Рассомлик санъати асосан гўзаллик билан безатилган бўлади. Бу санъат турида асосан тасвирий воситалардан фойдаланилади. Мисол учун: турли хил ранглардан, бундан ташқари рассомлик санъати асарлари мато, картон қоғоз, ёғоч,

Боттичелло, Леонардо да Винчи, Микеланжело, Рафаел каби буюк рассомлар эстетик жиҳатдан бебаҳо асарлари билан тасвирий санъат тарихида унутилмас образлар яратдилар. Мовароуннаҳрда мусаввир Камолиддин Беҳзод бошчилигида бу санъат ривожланиши ва гўзаллик жиҳатидан юксак поғонага кўтарилди.

Тасвирий санъат Ҳумоюн асос солган ва Акбар даврида ниҳоятда тараққий этган мусаввирлик ва хаттотлик мактаби ҳақида Қозил Аҳмад Румийнинг «Гулистони хунар», Мир Аловуддаула Қозинийнинг «Нафоис ул-мусаввир» асарларида ажойиб маълумотлар бор. «Гулистони хунар»да айтилишича Камолиддин Беҳзоднинг шогирди Дўст Девона маҳоратда тенгсиз бўлган мусаввир сифатида Ҳиндистонда ниҳоятда шуҳрат топган эди. Унинг машҳур мусаввир Маҳмуд Музаҳҳиб билан яратган,



зийнатланган нодир қўлёзма китоблари ҳозир жаҳон кутубхоналари ва музейларини ўз гўзаллиги билан безаб турибди.

Умуман олганда, тасвирий санъатни биз ҳеч иккиланмасдан гўзаллик деб атаёлик муболага бўлмайди. Чунки биз инсон қўли билан чизилган, бир сўз билан айтганда, яратилган тасвирий санъат асарларини кузатар эканмиз, уларда акс этган гўзаллик тимеолларини кўриб завқланиш билан бирга ўзимиз учун маънавий озуқа оламиз. Зеро, шоир айтганидек, «Дунёни гўзаллик қутқарди». Шундай экан биз гўзалликни тасвирий санъатдан айро ҳолда тасаввур қилишимиз мумкин эмас.

Рустам БҮРИБОВ,
Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши талабаси.



тош, ойна, металл, ганч ва бошқаларга чизилади. Агар биз рассомлик санъати тарихига назар соладиган бўлсак, бу санъат сўнги полиодит (тош даври)да вужудга келганининг гувоҳи бўламиз. Антик даврда эса тасвирий санъат меъморчилик ва ҳайкаттарошлик би-

Қизиқарли табобат!

Янтоқ қўрғинининг барча ҳудудларида ўсуни усимлак эканлигини ҳамма билди. Аммо ушбу усимлакнинг шифобаҳш қўрғинлари ҳақида кўпчилик билмас экан. Масалан, унинг устки қисми каротин, витамин, флавоноид, органик кислоталар, қанд сингари дармондориларга жуда бой. Илҳизин тарихида эса гликосид, алкоид, катрон ва бошқа моддалар мавжуд. Халқ табобатида, асосан, унинг илҳизиндан тайёрланган қайнатма бавосил (гемерой) хасталигида фойдаланилади. Янтоқ ламламаси, шу-

нингдек, жигар касаллиги, ошқозон-ичак ярасида наф беради.

Шираси таъналикни қондиришда ёрдам беради, баргидан олинган ёғ ревматизмни даволашда қўл келади. Янтоқ илҳизидан қайнатма тайёрлаш учун илҳизга 300 мл. қайноқ сув солиб, унга бир ош қoshiқ майдаланган илҳиз солинди ва яна 15 дақиқа қайнатилди. Икки соат мобайнида тиндирилган сув доқа ёрдамида сузиб олинди. Бир ош қoshiқдан кунига уч маҳал ичилади.
Тўлқин ИКРОМОВ,
Тиббиёт факультети номзоди.
Фурқат МАХМУДОВ,
Дефектология йўналиши талабаси.

Ziyo chashmasi

Ота-боболаримиз металл буюмларнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида жуда кўпмаълумотларга эга бўлганлар. Тилла, кумуш, мисдан ясалган ҳар хил тақинчоқларни гўзал ва чиройли кўриниши учунгина эмас, балки соғлиққа фойдаси бўлганлиги сабабли ҳам тақиб юришган ва металллардан ясалган идишларда овқатланишган.

фикрича, мис инсондаги ортиқча ёлларни эритар экан. Жигар, талоқ ва лимфатик тизими фаолиятини сезиларли даволайди. Шунингдек, мис камқонликка ҳам барҳам беради. Тилла эса асаб ва юрак мушакларини мустаҳкамлайди. Зеҳнини ўткир, ақлни расо қилиши билан бирга организмнинг курашувчанлик қобилиятини янада оширади. Темир суяк остидаги мия ва тўқималар фаолиятини яхшилайди. Ушбу металл қизил қон танақаларини кўпайтириш, асаб ва мушак толаларини мустаҳкамлаш хусусиятларига ҳам эга. Кўрғошин асосан, жинсий аъзо касалликларини даволашда кенг қўлланилади. Кумуш

Металллардан об қолинг,

ёхуд металлларнинг инсон саломатлигига таъсири хусусида

Қадимги Хитой табиблари олтиннинг инсонга соғлиқ ва ёшликни ато этишига астойдил ишонган. Машҳур табиб Парацелс эса тилла буюмлар ёрдамида захм ва турли касалликларни даволаб келган. Француз алхимёғари Давид де Плани-Кампи олтиннинг соғлиқ учун фойдали жиҳатлари ҳақида катта бир китоб ёзиб қолдирган. Алхимё таълимотига кўра, сайёрамизда етти хилдаги металллар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида сайёра сифатини белгилайди. Шу боис ҳам металлларда самовий куч, шифобахш хусусиятлар ниҳоятда кўп. Шундан бўлса керак, олтин-кўёш, кумуш-Ойдан, симоб-Меркурийдан, мис-Венерадан, темир-Марсдан, кўрғошин-Сатурндан қувват олади.

Ҳинд йўлларининг фикрича, коинотдан таралаётган электромагнит нурлари инсон соғлиғига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир қилиши мумкин экан. Шунинг учун металллардан фақат тақинчоқ сифатида фойдаланиш кўп ҳам ярайвермайди. Негаки, улардан бири сизни даволаса, иккинчиси дардингизни кучайтириб юбориши мумкин. Салбий турдаги касалликларни (сурункали касалликлар ва хавфли ўсмалар) олтин ва кумуш ёрдамида, ижобий гуруҳдаги касалликларни эса мис билан даволаш қўлланган натижани беради. Эрамиздан аввалги асрда шифокорлар металл қуқунни, ундан ажралган туз асосида сил, жигар, буйрак ва бошқа қатор касалликларни даволашган. Қолаверса, ҳиндларнинг кўхна «Аюверда» илми ҳам металл истеъмол қилишни ўргатувчи ноёб манба ҳисобланади. «Аюверда» таълимоти оғир металлларнинг барчасини илоҳий деб билди. Ана шу илми пухта эгаллаган мутахассислар

кўпроқ мадорсизлик, ичак хасталикларини ва жигилдон қайнашида фойдалидир. Бундан ташқари, кумуш ўткир юрак хасталикларини даволашда ҳам қўл келади. Қалай эса инсонни ёшартириш хусусиятига эга. Шунингдек, қандли диабет, астма, нафас олиш йўлларидagi инфекцияларни даволашда унинг ўрни беқиёс.

Ҳозирги замонавий тиббиётда маталлардан имкон қадар самарали фойдаланиб келинмоқда. Сир эмас, ҳозир поливитаминлар таркибида қимматбаҳо металллар сирасига кирувчи мисни топиш мумкин. 2003 йил КХДР металл билан боғлиқ шов-шувли янгилликларини тарқатганди. Улар гайриоддий зотилжам касаллигига қарши «Кимдан-2» дори воситасини ишлаб чиқиб ўша дори таркибида олтин борлиги ҳақида жар солишганди. Африка давлатларида эса ОИТС ва бошқа юқумли касалликларни металл қўшимчаларга бой дори-дармонлар ёрдамида даволаш амалиётга киритилган. Бироқ металллардан тайёрланган дорилар тананинг бошқа аъзоларига зиён етказмайди, деб ҳеч ким қафолат беролмайди. Бундай дорилар танага тез сўрилиб кетмагани боис қон қотиши, буйрак ва жигар фаолиятининг ишдан чиқариши эҳтимолдан холи эмас. Шу боис бундай дориларни ичишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Сарвиноз ПИРНАЗАРОВА,
Кимё йўналиши талабаси.

ННТ • ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЙТИРИЛДИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлариданоқ, Президентимиз раҳнамолигида нодавлат-нотижорат ташкилотлар сафи янада кенгайиб, улар жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаолият кўрсатмоқдалар.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Жумладан, 1991 йил 15 февралда «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши фуқаролик жамиятлари учун мустаҳкам ҳуқуқий замин бўлди. Фуқаролик жамияти институтлари - жамоат бирлашмаларининг мустақил фаолият юритувчи ҳуқуқий субъект сифатида тан олинди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига қафолатлар бериш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2007 йил 3 январда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг қафолатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши ҳам диққатга моликдир.

Ислохотларнинг мантқий давоми сифатида нодавлат-нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллигини янада ошириб бориш, мамлакатни демократик янгиллаш ва модернизициялаш бўйича ислохотларни амалга оширишдаги уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини изчиллик билан босқичма-босқич рўёбга чиқариш, шунингдек ННТ тизимини кенг ривожлантириш,

жатларда назарда тутилганидек икки ой муддат ўрнига бир ой муддатда кўриб чиқишли;

- Юридик шахслар олти ой мобайнида банк ҳисоб варақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда уларни тугатиш учун асос бўлишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-моддаси қондаси нодавлат нотижорат ташкилотларига жорий этилмади;

- ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатга олиш, тугатиш, уларнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш, улар томонидан солиқ, статистика ва рўйхатга олувчи органларга ҳисоботлар тақдим этилишининг тартибни унификация қилиш ва соддалаштириш белгиланган.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар самараси туфайли, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Эндиликда ушбу ислохотлар жаҳондаги илғор ривожланган мамлакатлар таърибаси ва ўзбек халқи менталитетиға хос бўлган анъаналарни уйғунлаштирган ҳолда олиб борилаётган таъкидлаш лозимки, мазкур жараёнларга жамиятни демократлаштириш ислохотлари ҳам уйғунлашди. Бу эса, ўз навбатида, юртимизда фуқаролик жамияти пойдеворининг янада мустаҳкамланишиға хизмат қилади.

Шуҳрат ШЕРНАЗАРОВ,
Жиззах вилоят адлия бошқармаси жамоат, нодавлат-нотижорат ва диний ташкилотлар бўлими бошлиғи.

Сиз билишингиз керак!

ДИКТАНТ САНЪАТИ

Иншо ва баёнда асосий эътибор ўқувчининг фикр ифодалаш маҳорати ҳамда ёзма нутқини ривожлантиришга қаратилган бўлса, диктант ёздиришдан кўзланган мақсад ўқувчининг имло қоидалари юзасидан эгаллаган билим ва кўникмасини аниқлаш, мустаҳкамлаш ва тўғри ёзишга ўргатишдир.

Манбаларда мутахассислар диктантнинг икки хил йўналишини кўрсатишади. Булар назорат диктанти ва таълимий диктантдир.

Одатда назорат яъни текширув диктанти ўқитувчи томонидан бирор бўлим тугаганидан сўнг, мазкур бўлимни ўқувчи қай даражада ўзлаштирилганини аниқлаш мақсадида олинади. У олдиндан йиллик ўқув режасига киритилган бўлади. Биринчи синф ўқувчиси назорат диктантга илк бор иккинчи ярим йилликда дуч келади, аммо бунгача улар кичик ва содда сўзлар иштирокида таълимий диктант ёзиб туришади.

Нazorат диктанти ёзиб бўлингач, ўқитувчи томонидан имло қоидаларига биноан баҳоланади. Одатда текширув диктанти ёзиш ҳақида ўқувчи бир соат олдин огоҳлантирилади. Танланган матндаги мураккаб сўзлар ёзув тахтасига ёзилиб, болаларга уларнинг ёзилишини уйда машқ қилиш ва ўтилган қоидаларни такрорлаб келиш вазифаси

юкланади.

Ўқитувчи диктант ёздиришни бошлашдан олдин ўқувчиларни бунга руҳан тайёрлаш керак. Масалан, «Болалар бугунги диктантимиз яқинда тугатган иккинчи даражали бўлақлар мавзусига багишланади. Диктант ёзиш чоғида ўтилган қоидаларни ёдга олинг, диққатингизни бир жойга тўпланг. Албатта, диктантни чиройли ва хатосиз ёзиш кўлингиздан келади. Бунга ҳар бирингиз қодирсиз» каби сўзлар билан далда беради.

Сўнг диктант танланган матн тўлиқ оҳанг билан ўқиб берилади. Ўқувчилар билан гапдаги иккинчи даражали бўлақлар аниқланиб уларнинг қайси сўз туркумига кириши грамматик жиҳатдан таҳлил қилинади. Учтагача ёзилиши энг мураккаб бўлган сўзлар ёзув тахтасига ёзилади ва диктант бошланади.

Биринчи синфда 15 - 25 тагача, иккинчи синфда 25 - 50 тагача, учинчи синфда 45 - 60 тагача, тўртинчи синфда 60 - 80 тагача сўз ёздириш мумкин.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг ёши ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, дарслик, диктантлар тўплами ёки бошқа кўшимча адабиётлардаги матнлардан фойдаланиш мумкин.

Раъно МИНГБОВА,
Бошланғич таълим ва
СТИ йўналиши талабаси.

Бугунги кунда жаҳон аҳлини қаттиқ ташвишга солаётган муаммолардан бири гиёҳвандликнинг юзага келишида Афғонистоннинг «ҳиссаси» катта.

Афғонистонда етиштирилиб, ишлаб чиқарилган наркотик моддалар Марказий Осиё Республикалари орқали Россия ва бошқа Европа давлатларига файриқонуний йўллар билан етказилиб берилмоқда. Айниқса, бу борада Тожикистон Республикаси орқали амалга ошириляётган ишлар кўлами ортиб бормоқда.

Бугунги кунда республикамизда гиёҳванд моддаларнинг юртимизга кириб келишининг олдини олиш йўналишларида муайян ишлар ташкил этилган. Андижон, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятларининг қўшни давлатлар билан чегарадош ҳудудларида қаттиқ назорат ўрнатилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ўзининг «Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик» номли асарига: «Биз наслимизнинг келажаги - соғлом авлод учун кураш бошладик» дейди. Бу бежиз эмас. Соғлом авлод деганда биз фақатгина жисмонан бақувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни кўзда тутганимиз. Чунки ҳар тарафлама соғлом авлодга эга бўлган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди. Буни ҳаммамиз яхши англаб олишимиз шарт - деб ўқитиб ўтган эди юртбошимиз.

Дарҳақиқат, соғлом авлодни шакллантириш масаласи дав-

лат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, уни амалга ошириш эса, барча мутасаддиларнинг бу борада жиддий фаолият олиб боришларини тақозо этади.

Афсуски, кейинги пайтларда кўпгина ёшлар - ўсмирлар ва

АЖАЛ УРЧЕН

Гиёҳвандликка қарши кураш барчанинг иши!

ўспиринлар ўртасида ичкилик-бозлик, чекиш ҳамда гиёҳвандликка ўрганиш ҳоллари кўзга ташланмоқда. Халқимиз турмуш тарзига ёт бўлган бундай иллатлардан қутилишнинг бирдан-бир йўли фақат таълим-тарбия ишларини болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ва улар психологиясини чуқур ўрганган ҳолда ташкил этишдир.

Гиёҳвандлик балосига турли йўллар билан йўлиқиш мумкин. Баъзи шахслар гиёҳвандликка тасодифан, билмай, нолонлик туфайли дучор бўлади. Жумладан, айрим оғриқни енгиллаштирувчи дори-дармонлар, уйқу багишловчи воситаларни истемол қилиш ёки ўзи билганича даволаниши натижасида гиёҳвандлик дардига мубтало бўлиш мумкин.

Кейинги йилларда гиёҳвандлик ёшлар ўртасида кўпаётганлиги ачинарли бир ҳолдир. Гиёҳвандлик гирдобига кишилар-

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, эски тузум даврида ўрнатилган сиёсий, иқтисодий, мафкуравий бошқарув тизими чек қўйилди. Хусусан, давлатни бошқаришнинг мутлақо янги, демократик усуллари жорий этилди. Иқтисодиётнинг сиёсатга боғлиқлигига барҳам берилди. Юртимизда инсон шаъни, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият деб эълон қилинди. Бу ўзгаришларнинг асосида эса Президентимиз Ислам Каримов бошчилигида ишлаб чиқилган, юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш мақсади ётмоқда. Мустақиллик


ИБРАТ ДАРСИ

йилларида юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланиш концепсиясининг гоъвий йўналишларидан бири айнан таълим соҳасини ислоҳ қилиш ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш эди. Ўзбекистонда таълим соҳасидаги ислохотлар, аввало, бугунги кун ёшлари онгини миллий мафкурамизнинг гоълари билан бойитиш, ёшларда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш учун хизмат қилмоқда. Таълим соҳасидаги ислохотлар ҳам халқимизнинг манфаатларига хизмат қилади, мамлакатимизни дунёнинг илгор давлатлари қаторига олиб чиқишда муҳим тарихий роль ўйнайди.

Агар айрим фарб мамлакат тари таълим тизими разм солсак, уларда болани муайян билимга, фан соҳасига ошно қилиш, шу соҳа бўйича тобора чуқурлашиш масалаларига кўпроқ эътибор қаратилишига гувоҳ бўламиз. Улардаги ўқитувчилар ўз ўқувчисига устоз, ҳар жабҳада ибрат намунаси, ҳурмат ва ихлосга лойиқ муаллим сифатида эмас, балки у ёки бу фаннинг мутахассиси, ўша фанлар бўйича билим ва кўникмаларни дарс шаклида етказиб бериши лозим бўлган касб эгаси сифатида муносабатда бўлишади. Дарсни ўтиб тугатган ўқитувчи боланинг ахлоқи, дунёқарши, маънавий - руҳий эҳтиёжлари билан қизиқмайди, бу нарсаларга ўзини масъул шахс деб ҳис қилмайди.

ни тушиб қолишларига нима-ла сабаб бўлмоқда? Бизнингча, болаларнинг қаровсизлик орқасида турли гуруҳларга қўшилиб қолиши, болалар ва ўсмирларнинг ўқиши, юриш-туриши, бўш вақтларини мазмунли ташкил қилинишига етарли

ўқиши, кимлар билан дўстлашаётганлиги катталар томонидан доимо кузатилиб, текширилиб борилиши, уларга доимо эътибор билан қараб турилиши, ота-оналарининг, мактаб педагоглар жамоасининг, жа-



моатчиликнинг эътиборидан четда қолмаслиги керак...

Бугун бутун дунё аҳли гиёҳвандлик балосига қарши биргалликда курашмоғи керак. Ҳар бир киши келажак авлод баркамоллиги, эртанги кунимиз фаровонлиги учун хавф-хатарни, маъсулиятни ҳис этган ҳолда ягона мақсад сари қадам ташламоғи даркор.

Лочин ОБЛОҚУЛОВ,
Кимё йўналиши талабаси.

Бизда бу масалага бошқача эътибор берилди. Халқимиз томонидан «Устоз отангдай улуғ» деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Ўсиб келаётган ёш авлодни маънан етук инсон қилиб тарбиялашда ўқитувчи - мураббийларнинг хизмати отанинг хизматидан кам бўлмайди.

Худди шундай ўқитувчи мураббийлардан бири А. Қодирий номли Жиззах Давлат педагогика институтининг Информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиси Хуррам Тангировдир.

Бугунги ахборот асрида ахборот технологияларининг ўрни беқиёс. Устоз бизга нафақат

билим бериш, балки юксак инсоний фазилатлар соҳиби эканликларини намойиш этдилар. Уларнинг ҳар бир дарсга ўзгача тайёргарлик билан келишлари бизни лол қолдирди. Соат 8:30да бошланган машгулотларга соат 8:00 да келиб талабаларга кўпроқ билим беришга ҳаракат қиладилар. Устоз ҳар бир машгулотни талабаларнинг ҳар бирига қайта-қайта тушунтириб беришдан чарчамайдилар. Амалий машгулотларда ҳам ҳар бир мавзунинг баёни жуда чуқур ёритилади ва ҳар бир машгулотни талабалардан шундай талаб қиладилар. Устоз жуда ажойиб баҳолаш тизимини ўзларига ишлаб чиққанлар. Баҳолаш жуда адолатли ва ҳар бир талабанинг кўнгли тўлади деб ҳисоблаймиз. Машгулотлар тугаб, якуний назоратлар ўтгандан кейин ҳеч кутмаганимиз устоз йиғилиш ўтказиб, ҳаммага баҳоларини эълон қиладилар ва машгулотларда ўзини ижобий томондан кўрсатган талабаларга ташаккурномалар берилди. Уларнинг дарс ўтиш услублари олийгоҳ миқёсида ўзлаштирилса жуда ҳам кўп фойда берса ажаб эмас. Устозга келгуси ишларида омад ва зафарлар, оилавий бахт тилаймиз.

Эркин ЭШОНҚУЛОВ,
Моҳира РАҲМАТОВА,
Биология йўналиши талабалари.

Масаллар

Қалам ва мўйқалам

Мўйқалам қаламга деди:

- Мендан ўртак олсанг бўлмайдим, қара, қандай чиройли расмлар чизаман. Сен бўлсанг ўзингдан зерикарли қора чизик қолдирансан.

Қалам деди:

- Э, биродар! Башарти мойбўёқ сени мунтазам мойлаб турмаганда эди, ўзингдан қора из ҳам чиқмаган бўларди.

Китоб, дафтар ва сиёҳ

Китоб деди:

- Мен дунёдаги энг доно буюмман. Ҳамма синоатнинг калити менда!

Дафтар деди:

- Мен инсоннинг энг яқин сирдошиман. Менга у ҳеч кимга айтмаган сирларини тўкиб солади.

Бир четда уларнинг баҳсини тинглаб турган доно сиёҳ, мийиғида кулиб қўйди-ю, сукутни маъқул топди.

Буюклик

Инсон минг бир машаққат, неча йиллик уринишлардан сўнг дунёдаги энг баланд чўққини забт этди. «Ғалаба, мен бунга уддаладим!», дея ҳайқирди. Сўнг оёғи остига қараса чумоли ўрналаб кетаётган экан...

Орифжон ОДИЛОВ,
Ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси

EKOLOGIK TARBIYA

va ta'limni uzviy bog'lab olib boraylik

Yoshlarga ilmiy asoslangan fanlar integratsiyasi doirasida ekologik bilimlarni berish, ularning talabalik davrida tabiiy va atrof-muhitga ma'suliyatli yondoshish ko'nikma va malakalarini oshirishda alohida o'rin tushirish hisobga olgan holda bakalavrlar va magistrlar o'rganadigan fanlar o'quv materiallarini mazmunan ekologiyaga oid materiallar bilan chuqur boyitishga jiddiy e'tibor qaratish maqsadga muvofiqdir. Oliy ta'lim jarayonida yoshlarni ekologiyaga oid ta'limotlar bilan tanishtirish ularning global ekologik madaniyatini shakllantirishda alohida ahamiyat kasb etadi, shuningdek, ekologik yo'nalishdagi milliy-ma'naviy qadriyatlar mohiyatini chuqur anglashlari, o'rganishlari uchun imkoniyat yaratadi.



Yoshlar global ekologik tarbiyasida muhim faktorlardan biri bo'lgan uzluksiz ta'lim imkoniyatlaridan keng foydalanish tarbiya jarayonidagi muhim vazifalardan hisoblanadi. Uzluksiz ta'limning o'ziga xos xususiyatlaridan biri o'quvchilar, talabalarining yoshi, bilim saviyasi va umumiy tayyorgarligini hisobga olgan holda ularga ekologik ta'lim berishidir. Ma'lumki uzluksiz ta'lim maktabgacha tarbiya, maktab sharoiti, akademik lisey, kasb-hunar kollejlari va oliy ta'lim muassasalarida olib boriladigan fan majmualarini o'rganish orqali, integrativ ekologik tarbiyani shakllantirish imkoniyatlarini beradi. Ta'lim jarayonidagi muhim ta'sir vositasi, o'rganilayotgan fanlardagi mavjud ekologik bilimlarning maxsus fanlarni o'qish orqali o'quvchi, talaba yoshlar ongiga singdirishdan iboratdir. Ta'kidlash lozimki bu sharoitda tarbiyachi va o'qituvchilarning umumiy malakasi, ekologik bilimlardan xabardorligi, zamonaviy ekologik muammolar bilan tanishligi va ularni o'quvchilarga yangi pedagogik texnologiyalar orqali tushuntirishlari ham muhim omillardan biri hisoblanadi.

Hozirgi davrdagi ekologik vaziyatni anglashda yoshlarga yordam beruvchi vositalardan biri san'at asarlaridir. Ayniqsa bu turkumga kiruvchi tasviriy san'at asarlarining alohida o'rnini mavjud. Mo'yoqalam sohiblari boshqa san'at janrlaridan farqli, o'z asarlari orqali yoshlarga yurtimiz tabiati, tabiat va inson orasidagi munosabatlarni aniq, betakror ranglar orqali namoyon qiladi. Ba'zi hollarda esa tabiatga yetkazilgan ziyonning inson hayotidagi salbiy izlarini ifoda qilishi bilan tarbiyaviy jarayonda ishtirok etadi. San'at asarlari orasida ekologik tarbiyada kino san'atining muhim o'rnini bor. Bu borada xujjatli kino imkoniyatlarini alohida qayd qilish

lozim. Bu janr tufayli yosh vatandoshlarimiz mavjud ekologik holat, shu jumladan yer, suv resurslari, flora va faunaning go'zalligi to'g'risida yaqqol tasavvurga ega bo'ladilar. Ushbu san'at janrining tarbiyaviy ahamiyati shundaki, xujjatli kino yoshlarni ekologik vaziyatni bevosita kuzatish imkoniyatini yaratadi. Yosh tomoshabin ekrandagi voqealarni kuzatib borib, bevosita ekologiyaga ta'sir etuvchi ijobiy va salbiy faktorlar haqida tasavvurga ega bo'ladi. Qayd qilish lozimki, faqat mustaqillik yillaridagina mamlakatimizda mustaqil ekologik siyosat olib borilayotganligini, bu siyosatning asosiy maqsadi yurtimizda ekologik ahvolni yaxshilash orqali farovon turmush uchun imkoniyatlar yaratishga qaratilganligini yosh tomoshabinlar xujjatli kino orqali bilib oladi. Shu bilan birgalikda mamlakatimizning yagona ekologik tizimiga qatag'on yillarida yetkazilgan ziyon va ushbu faoliyatning salbiy asoratlarini yaqqol ko'rish mumkin.

O'ra Osiyo allomalari ham ekologik madaniyat haqida o'z qarashlarini asarlarida keltirib o'tgan. Imom Iso at-Termiziy o'z asarlarida tabiatni muhofaza qilish, tirik jonzorlar, o'simlik va dovdaraxtlarni asrab-avaylash, atrof-muhitning tabiiy go'zalligini saqlash lozimligini uqtiradi. Bu kabi qarashlar allomaning «Sunnan» kitobida keltirilgan quyidagi hadislar mazmunida yaqqol aks etadi. Ya'ni: «Yerda xalal berib yotgan biror tosh, tikanak yoki suyakni bir chekkaga olib qo'yishing ham - sadaqa»; «Chelagingdagi suvdan boshqalarning idishlariga solib berishing ham sadaqa hisoblanadi»; «Kimda-kim bir ko'chat o'tqazsa, yo bo'lmasa ekin ekasay, uning hosilidan odamlar, qushlar va hayvonlar bahra olsa, bu ham o'sha odam uchun sadaqa sanaladi»; «Birodaringni yuziga kulib boqishing sen uchun sadaqadir»; «Odamlarga xayrixohliging sening sadaqangdir»; «Kishilarni xayrli va yaxshi ishlar qilishga davlat etishing va zulmdan qaytarishing sening sadaqangdir». Anglaganingizdek, mazkur hadislarida ekologik tarbiyaning sharqona jihatlari ifoda etilgan. Atrof-muhitni muhofaza qilish, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish va qayta tiklashning davlat boshqaruvi, O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi, O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi, O'zbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi, Sanoatda ishlarini xavfsiz bajarishni nazorat qilish va tog' nazorati bo'yicha Davlat inspeksiyasi, yer resurslari, geodeziya, kartografiya va davlat kadastri bo'yicha O'zbe-

kiston Respublikasi Davlat qo'mitalarining atrof tabiiy muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan foydalanishni nazorat qilish ishlari bo'yicha hamda tabiatni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan foydalanish sohasidagi boshqa davlat boshqaruv organlarning faoliyatlarini muvofiqlashtiruv asosida amalga oshiriladi. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 18 moddasida yer usti va yer osti boyliklarini, suv manbalari, o'simlik va hayvonot dunyosini saqlash, qo'riqlash hamda bu moddiy boyliklardan mamlakatimiz taraqqiyotini o'ylagan holda oqilona foydalanish, ob-havoning toza va musaffo bo'lishiga doimo harakat qilish, tabiiy (yer usti va osti) boyliklarni



ningdek ushbu sohada ta'limiy ishlar olib borgan olimlar, ularning ilmiy xulosalarini o'rganadi.

Demokratik islohotlarning chuqurlashuvi, fuqarolik jamiyatining rivojlanishi sharoitida jamiyat a'zolari shu jumladan talabalarining tevarak atrof - muhitga munosabati, ularning mavjud ekologik vaziyatni muqobillash-tiruvchi tadbirlardagi bevo-

4. Ekologik dunyoqarashni yuksaltirish.

5. Ekologik madaniyatni shakllantirish.

6. Ekologik savodxonlikni yuksaltirish.

7. Talaba-yoshlar ongida atrof-muhit va uning shaxs ma'naviy dunyosiga ta'siri haqidagi tasavvurlarni shakllantirish.

8. Talaba-yoshlar ongida tabiat va uning jamiyat taraqqiyotidagi o'rnini haqidagi tasavvurlarni paydo qilish.

9. Talaba-yoshlarga ekologik tarbiya berishda o'quv muassasalari va oila o'rtasidagi umumiylik va xususiylik.

10. Talaba-yoshlar ongida atrof-muhit muhofazasida bolalarning vazifasi haqida tasavvur hosil qilish.

11. Talaba-yoshlar ongida tabiatni muhofaza qilishda ota-ona ibrat-namunasi haqidagi tasavvurlarni hosil qilish.

12. Talaba-yoshlarni oiladagi, o'quv muassasasidagi o'simliklar va hayvonot dunyosini e'zozlashga o'rgatish, jonivor va qushlarni parvarish qilishdagi bilim va ko'nikmani yuksaltirish.

13. Talaba-yoshlarga ekologik tarbiya berishda milliy an'ana va urf-odatlarni tiklashga e'tiborni qaratish.

14. Talaba-yoshlarga ekologik tarbiya berishda to'garaklardan foydalanish va ularda «Tabiat va inson», «Ekologiya va inson», «Orol madad so'raydi», «Tabiatni e'zozlaylik», «Suvni muqaddas deb bilaylik» va shu kabi mavzularda davra suhbatlari uyushtirish.

Ushbu yo'nalishlar bo'yicha ish olib borish orqali ota-bobolarimizning azal-azaldan tabiatga yuksak mehr va ehtirom ko'rsatishganligini talaba-yoshlar ongiga singdirish mumkin.

Talaba-yoshlarning ekologik savodxonligini oshirishda xalqimizning tabiatga munosabati: urug' qadash, qovun sayli, suv sayli, uzum sayli, hosil bayrami, Navro'z bayrami, xirmon to'yi, hovli to'yi va shu kabilarining ahamiyati katta. Xulosa o'rnida yoshlar global ekologik madaniyatining pirovard natijasi barqaror rivojlanish ekologik tajriba hududlarini yaratish, O'zbekiston Respublikasi ekologik xavfsizligi, atrof-muhit sharoitlari xususiyatlarini, xo'jalik faoliyatining o'ziga xosliklari, texnogen ta'sir darajasini hisobga olish bilan mamlakatning har bir mintaqasida ta'minlanishi zarur.

Shahnoza ERNAZAROVA,
Pedagogika-psixologiya
yo'nalishi talabasi.

Talaba-yoshlarning ekologik savodxonligini oshirish-bugungi dolzarb vazifalar sirasiga kiradi!

uzluksiz yuksaltirib borishni ta'minlash, atrofimizdagi olamni yaxshilash uchun doimo chora - tadbirlar ko'rib borishimiz ta'kidlangan. Bundan tashqari O'zbekiston Respublikasining 1992-yil 9-dekabrda qabul qilingan «Tabiatni muhofaza qilish to'g'risida»gi Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 1993-yil 23-apreldagi «Sog'lom avlod uchun» xalqaro nodavlat xayriya jamg'armasini tashkil etish to'g'risida»gi Farmoni, o'sha yili «Sog'lom avlod uchun» ordenining ta'sis etilishi, shu nomda Davlat dasturi, «Ekologik ta'lim-tarbiya konsepsiyasi»ning ishlab chiqilishi, «Ekosan» jamg'armasining tuzilishi mamlakatda ekologik muammolarni bartaraf etishga davlatimiz, hukumatining g'amxo'rlikidan dalolatdir.

Integratsiyalashgan ekologik madaniyatning shakllanishida oliy ta'limda o'qitiladigan ijtimoiy gumanitar fanlarning alohida o'rnini mavjud. Ekologik madaniyat ijtimoiy munosabatlar tizimidagi muhim masalalardan, ya'ni ijtimoiy gumanitar fanlar tamonidan o'rganilayotgan muammolardan biriga aylandi. Ijtimoiy gumanitar fanlarning muhim masalalaridan yana biri bu inson falsafasi, insonning yaratuvchilik faoliyati, inson va tabiat munosabatlarini o'rganish tobora dolzarbligicha qolyapti. Ijtimoiy gumanitar fanlarni o'rganish orqali talabalar ijtimoiy ekologiya-ni, nazariy metodologik asoslari bilan tanishadi. Shu-

sita ishtiroki, ilmiy asoslangan takliflar bilan chiqishlari, shu jumladan, tabiatni asrashga bag'ishlangan xalqaro tadbirlar tarkibida olib borayotgan ilmiy, tarbiyaviy, amaliy ahamiyat kasb etuvchi ishlari ekologik madaniyat asoslarining mustahkamlanishida muhim faktorlardan biridir.

Talabalar integrativ ekologik madaniyatining rivojlanishida ularning ilmiy konferensiyalardagi, maxsus ilmiy ishlanmalar bilan turli tanlovlarda, oliy o'quv yurtida o'tkaziladigan ilmiy uslubiy munozaralarda, disputlardagi ishtiroki ham muhim omillardan biridir. Talabalar ijtimoiy gumanitar fanlar sohasidagi dastlabki ilmiy ishlanmalari bilan tabiat va inson munosabatlari masalasida mustaqil fikrga ega bo'lsalar, tabiiy, maxsus fanlarni o'rganish tufayli ekologiya-ni biologiya, ximiya, fizika, yoxud boshqa tabiiy fanlar bilan bog'liq tamonlarini anglaydilar. Ekologik tarbiya yo'nalishlari ham turli xil bo'ladi. Quyida ularning ba'zilarini to'g'risidagi ma'lumotlarni keltiramiz:

1. Talaba-yoshlarni yashab turgan joyidagi tabiatimiz boyliklarini tejab-tergashga, uni muhofaza qilishga o'rgatish.

2. Talaba-yoshlarni o'z o'quv muassasalarini va uning tevarak-atroflarini ko'klamzorlashtirish va obodonlashtirish, mevali va manzarali daraxtlar ekishga o'rgatish.

3. Talaba-yoshlarda xiyobonlarni, suv havzalarini ozoda saqlash ko'nikmalarini shakllantirish.

НАЗМ ГҲАДАСТАСИ

УМР ФАЛАЛАРИ

Фахлар тўрттадир: бири баҳор, бири ёз,
Бири саҳий кузу, бири қаҳратон аёз.
Инсон умри ҳам ўхшайди йил фаслага,
Бировақиси-тўдаклик, монанд эрур асалга.

Ивазгиси йиллик, навбронлик ва шодлик,
Учовақиси етуклик, оғаллик, фарзандлик,
Яратдилар ихтиро, яратдилар лойиҳа,
Тўрттавақиси-қариллик, олимлик, фойлик.

Сен тувалдан илк баҳору Наврўзда,
Барча гўллар очилганда, шохрилда.
Болалигинг ўтди мактаб бағрида
Сўни бепоян далаю, яшил олам кўйида.

Ёшга гўзал Тошкентда сабоқ берди олимлар,
Ҳаёт дарсин ўратди Елению, Собирлар.
Устозлардан билимни илм сирларини ўрашаб,
Олим бўлдинг, тайёрладинг қача-қача
шоирлар.

Ярим асрни ўтдику саяҳату сафарда,
Наботот оламини тилсимларини очинга,
Шифобахши доривору кўкларини қидириб,
Бормаган ер қолмади Тийншоу, Похарда.

Кўп ўйлама, ениб ўт кексаликнинг дардида,
Эй Умаро, энди қардиз чораги кам бир юза,
Тўрт фасоват қана қилди уга бардим кўтаб ол
Қаринлар бу ёйда сўзларлар хасаса.

Сенга хасаса-шоирларини, фарзандини.
Барча истақ орзуларинг охирига етказур.
Яна сенга ёнагда-элик йиллик ҳамроҳинг-
Маҳбубинг бор сўзлави асло бўлма беҳузур!

Умаркул РАҲМОНҚУЛОВ,
Биология фанлари доктори.

НИЯТ

Нигоҳида ёруғ шувалар кулди,
Мудом осмонда барҳаёт кўёи.
Қалбимга бир олам орзулар тўлди,
Фаришта кўнарга етказар бардои.

Нурларга қувлашаб ўйнайман у пайт,
Шамолдек еламан орпидан қолмай.
Мен ўтиб кетмасман бепарво, лоқайд,
Ҳаётда ўзимдан яшиш ном қолмай!

Фахлат дунёсидан кўтармасам бош,
Умрим ўтиб кетар, шондим мутлоқ.
Токи юрагимда тирикдир бардои:
Мени тонлар кутар, тонларки оптоқ.

Мени ҳаёт кутар узоқ ва олис,
Келдим мен, таниманан халқа, зиёга,
Мени дунё кутар онамдай мунис,
Кафтларин тўлдириб эзгу дуога!

Раҳима ҒОФУРОВА,
Меҳнат таълими
йўналиши талабаси

БУЛУТДАН ҚҲРҚИБ...

Салим осмонга узоқ тикилди,
- Ойжон, - дея югуриб кирди.
- Кўкда булутлар сузиб юрибди,
Неки истасам билиб турибди!
Нима ўйласам ҳозир бўлаятти,
Бири шер каби мени қуваятти.
Бири қўндек нуқул қочади,
Бири илондек оғзин очади.
Қўрқдим, ойжон, юринг мен билан,
Туринг мен билан, қўрқсин улар ҳам!

Ризвонгул САИДОВА,
Ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси.

Армон бўлган севгим

Барча аламларга тўлдирдинг жоним,
Мени тириклайин ўлдирдинг жоним,
Энди полаларим сена етолмас,
Армонли дунёда ёлғизман жоним.

Ўйлама бахтли деб кўнглинг тўқ қилиб,
Бахтиёр кўришиб хомуш юрман.
Севганим барчага баралла айтиб,
Унутмай абадий сеvim кутман.

Кимдир келиб бир кун армон сўраса,
Ўшанда армоним сеvim бўлади.
Мени тириклайин омиб кетса ҳам,
Армонли дунёда сени севаман.

Раъно МИНГБОЕВА,
Бошланғич таълим ва СТИ йўналиши
талабаси

Илҳом парисига

Атрофимда шўх-шаддод бўлиб,
Тинчимайсан қуришиб тинкам.
Орзу қилдим худди сен каби,
Шеърларим ибўх бўлса менаи ҳам.
Гоҳ қаламим олиб қочасан,
Шумтақалиқ қиласан гоҳо.
Гоҳи илҳом фариштам бўлиб,
Мисраларга берасан маъно.
Шоир қалбим отаи қаҳридан,
Ажиб санъат бунёд этасан.
Қаламимдан руҳ бўлиб аста,
Дафтаримга сингиб кетасан...

Орифжон ОДИЛОВ,
Ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси.

Янги рус адабиёти асосчиси
Александр Сергеевич
Пушкин
таваллудига 215 йил тўлди.



Я Вас любил...

Я Вас любил любовь еще быт может,
В душей моей угасла не совсем.
Ну пусть она Вас больше не тревожит.
Я не хочу печалить Вас ни чем!
Я Вас любил без маъно, без надёжно,
То рабостю, то ревностю толим.
Я Вас любил так искрено, так нежно,
Так дай Вам Бог любимий быт дружим...

Сизни севар эдим...

Мен сизни севардим, севаман ҳамон,
Қалбимдан бутунлай ўчганингиз йўқ.
Туйғум сизни безовта қилмасин аммо,
Сизни ранжитмоққа менинг ҳаққим йўқ.
Мен сизни севардим сўзсиз, имконсиз...
Уялсамда минг бор рашқдан қийналиб,
Мен сизни севардим ҳадсиз, поёнсиз -
Этсангизда менаи ўзгага насиб.
Хўп, сизга тилайман гўзал бир бахтни,
Оллоҳ ато этган пок муҳаббатни...

Рус тилидан Мафтуна УБАЙДУЛЛАЕВА
таржимаси, ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси.

Адабиёт шундай улуг дарёки, ундан ҳар бир инсон бирдек баҳраманд бўлади. Гўзал ўхшатиш ва бетакрор бадий санъат турлари билан эса у янада жозибдорлик касб этади. Қуйида шундай бадий санъат турларидан бири - талмеҳ санъати ҳусусида сўз юритамиз.

йўқ инсон, Ёқуб эса уни жонидан ортиқ суювчи отаси. Бу ерда Ёқубнинг ўғли Юсуфдан айрилгани сабабли ғам-андуҳлар ичида қолиши, «ғам уйи»ни ошиён тутганлигига ишора қилинмоқда. Шу-

Талмеҳ шеърини санъатидан фойдаланиш янги ўзбек адабиёти вакиллари ҳам ҳосдир. Мисол тариқасида оладиган бўлсак, Жуманиёз Жабборовнинг «Китоб жавоним» шеъриси Навоий, Пушкин,

Юқоридаги мисраларда ҳоки қашқар тупроқларида қолиб кетган Фурқат, ёш умри Сибир ўрмонларида ҳазон бўлган Усмон Носир яширин равишда, Жалолоддин Манғуберди ва Бобур Мирзо шахслари ошқора мисраларда ёлга олинади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида айтилганидек, талмеҳ сўзининг луғавий маъноси ҳам «чақмоқ чақиши» мазмунига эга. Эътибор берган бўлсангиз, чақмоқ бир зум чақнаса ҳам бутун коинотни ёритади. У зулмат ичидаги бир шувладир. Талмеҳ санъатидан шеърда фойдаланилганда ифодаланилаётган тасвир ўқувчининг кўз олдига чақмоқ мисоли жонли намоён бўлади. Ўзининг гўзал ифодасини топади. Шеърдаги сўзлар эса ўзгача жозоба касб этади. Талмеҳ санъатини ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприкка ўхшатиш мумкин. Биз ўқувчилар шу санъат воситасида тарихимизни чуқурак ўрганиш имкониятига эга бўламиз. Кўриб ўтганимиздек, бадий санъатлар шеърини нозик тушуниш воситаси ҳамдир.

Нигора ҲАЛИЛОВА,
Ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси.

ШЕЪРИЯТНИ НОЗИК ҲИС ЭТИШ ёхуд талмеҳ бадий санъатининг шеърятдаги ўрни

Талмеҳ - арабча сўз бўлиб, «Чақмоқ чақиши», «Бир назар ташлаш» демакдир. Бадий санъат сифатида у тарихий ва афсонавий воқеа, масал, шаҳе, машҳур асар ва унинг қаҳрамонларига ишора қилиш воситасида фикрни қисқа, ихчам ифодалашга хизмат қилади. Масалан, Муҳаммад Аминхўжа Муқимийнинг «Танобчилар» сатирик шеърдан олинган қуйидаги байтда талмеҳ санъати қўлланилганлигини кўришимиз мумкин:
Ҳам яна Эрхубби бўладур тағо,
Аммамизнинг эрларидур Нурато.
Ушбу байтда иккита шаҳе номи - Эрхубби ва Нурато тилга олинган. Эрхубби исломгача бўлган даврдаги ақлиё, Нурато эса ҳозирги Навоий вилояти Нурота туманида яшаб ўтган авлиё шахедир. Айнан шу асардан олинган қуйидаги байтда ҳам ушбу санъатга мувожаат қилинган.
Биби Убайда бўладир холамиз,
Гоҳ келур эрди кичик боламиз.
Бу байтда Авлиё аёллардан бири бўлмиш биби Убайда номи қаламга олинган ва шу орқали талмеҳ санъати ҳосил қилинган.
Яна бир асар мисолида талмеҳ санъатини кўриб ўтайлик:
Солиб борма мени, эй, Юсуфи ҳусн,
Бу кун Ёқубтеқ байт ул хазонда.
Юқоридаги байт Атоий қаламига мансуб бўлиб, «Юсуф ва Зулайхо» асари қаҳрамонларига ишора қилинган. Юсуф гўзалликда тенги

нингдек, Хоразмий, Лутфий, Машраб каби шоирлар ижодида ҳам Ёқуб ва Юсуф талмеҳ бўлиб келганлигини кузатиш мумкин. Хоразмий ижодида:
Эшиттинг эрса Юсуфнинг жамолин,
Сени ҳусн ичра сад чандон яратди.
байти ёки:
Очилди ёз, кечикти ул ким эрди,
Чаман Юсуфлари зиндон ичинда.
каби байтларда Юсуф образи талмеҳ санъатини юзага чиқармоқда. Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики Юсуф ёки Ёқуб образлари бадий адабиётда (айниқса мумтоз адабиётда) энг кўп қаламга олинган талмеҳ объектларидир.

Бобур, Нодира каби 20 та ижодкор, 2 та асар қаҳрамони (Тинатина ва Лайли), 3 та асар номи («Бўстон», «Жаҳаннам», «Шоҳнома») кабилар тилга олинган ва талмеҳ санъатини юзага чиқарган.
XX аср ўзбек шеърятининг чақноқ юлдузларидан бири Муҳаммад Юсуф ижодида ҳам бу санъатнинг бетакрор намуналарини учратиш мумкин. Ҳусусан, «Ватаним» шеърисида талмеҳнинг яширин шакли ҳам, ошқора шакли ҳам қўлланилган.
Ким қашқарни қилди макон,
Ким Энасой томонда.
Жалолоддин Курдистонда,
Бобуринг Ҳиндистонда.
Бу қандоқ юз қаролиғ деб Ётурлар зимистонда.
Тарқаб кетган тўқсон олти Уруғимсан Ватаним!

Бош муҳаррир Абдукарим ШАРИПОВ

Таҳририятга келган хатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Газета Жиззах вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 26 декабрда 06-017 рақами билан рўйхатга олинган.
Босишга топширилган вақти - 19.00
Топширилди - 18.00
Навбатчи: М. Абдуллаев

Манзил: Ш. Рашидов шох кўчаси, Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти.

«Жиззах ПРИНТ» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Жиззах шаҳри, 130100. Сайилхўйи кўчаси, 4-уй.

Офсет усулида 6700 нусхада босилди. Буюртма № 548А. Shaki-A-3.